

## СЕЛ ВА СУВ ТОШҚИНЛАРИ

**Ахроров Умеджон Зайнуллоевич***Самарқанд вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи  
ўринбосари подполковник Тел.:97.396-03-50*

Сел - катта миқдорда тоғ тошлари, қум ва тупроқ жинслари билан биргаликда тоғдан оқиб тушувчи хавфли сув оқими ҳисобланади.

Селлар - 85 фоиз ҳолатларда сурункали жала қуйиши, 25 фоиз тоғ қорларининг эриши, 1-2 фоиз ҳолатларда эса тоғ сув ҳавзалари, сув омборлари, музлаган сув ҳавзалари қирғоқларининг ўпирилиб кетиши сабабли юзага келиши мумкин.



Катта ҳажмга ва юқори тезликка эга бўлган сел оқими, йўлидаги барча бино-иншоотларни, аҳоли яшайдиган уйларни, гидротехник иншоотларни бузиб, қишлоқ хўжалик экинларини, боғларни пайҳон қилади. Одамлар ва ҳайвонларни нобуд қилади.

1998 йил 7 июлдан

8 июлга ўтар кечаси Фарҳона вилоятининг Шоҳимардонидан юз берган сел ҳодисаси 104 кишининг ҳаётдан бевақт кўз юмишига сабаб бўлган. Ўзбекистон Республикасидаги барча тоғ ва тоғ олди ҳудудлари сел хавфи бўлган зоналарга киритилган. Хусусан, Наманган (19%), Фарҳона (14%), Сурхондарё (13%), Тошкент (12%), Самарқанд (12%) ва Қашқадарё вилоятлари (12%) ҳудудлари сув тошқини-сел хавфи мавжуд ҳудудлардан ҳисобланади.

Кузатишлар, Самарқанд вилоятида ҳам сўнги беш йил давомида жами 3 та йирик кўламдаги (Нуробод туманида 2 та ва Пахтачи туманида 1 та) тошқин сувлари ва сел оқимлари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар содир бўлган бўлса, жами 31 мартаба турли даражадаги кўнгилсиз ҳолатлар қайд этилди.

Буларнинг оқибатида 9 нафар фуқаролар жабрланиб, 3 нафар фуқаро (2018 йил 14 май куни Нуробод тумани Қўрғонча МФЙ Лангар қишлоғи ҳудудидаги тоғли ҳудудида кучли ёмғир ёғиши ва сел келиши натижасида уч нафар фуқаро) вафот этган. Тошқин сувлари ва сел оқимлари ва кўчкилар натижасида жами 35 га яқин инфраструктура объектларига (кўприклар, йўллар, коммунал тизимлар) шунингдек 500 га яқин аҳоли хонадонларига турли даражадаги катта ва кичик зарар етказилган.

Шу сабабли ҳам вилоятнинг хавфли гидрометеорологик ҳодисалари кузатиладиган участкаларида фуқароларнинг хавфсиз ҳаёт маромини таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.



Бунинг учун биринчи навбатда:

ҳудудий ҳокимликлар ва тегишли хизматлар билан биргаликда сел ва сув тошқинлари хавфи мавжуд ҳудудларда яшовчи хўжаликлар сонига аниқлик киритиш ва уларни хавфсиз ҳудудга кўчириш;

сел ва сув-тошқинлари мавсумига қатъий тайёргарлик кўриш;

сел хавфли ҳудудларда назорат кузатув постларини ташкил этиш;

сел йўллари, каналлар ва сойларни, шунингдек йўл остидан ўтган галерея ва дюкерларни сел сувларини ўтказиш қобилиятини яхшилаш;

тоғ ва тоғолди ҳудудларидаги сел хавфли участкаларда қишлоқ хўжалиги ишларини амалга оширмаслик, ноқонуний қурилиш ишларини олиб бормаслик чораларини кўрилиши каби вазифаларни бажариб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.